

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

123 Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари-
ни бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санк-
цияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
22 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-1*

(2011 йил 1 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ–872-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 172-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитасининг, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 11 июлдаги 77, 2008-33-сонли, 2008 йил 26 июндаги 13-сонли қарори (рўйхат рақами 1842, 2008 йил 15 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 34-сон, 337-модда) билан тасдиқланган «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 9-банди иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«суғурталовчи бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирган активларининг умумий суммаси, суғурталовчи ўз маблағлари манбалари суммасининг 50 фоизидан ошган, олдинги молиявий йил якуни бўйича халқаро аудитнинг ижобий хулосасини олган тижорат банкларининг устав капиталларида иштирок этиш ва қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2011 йил 14 март,
21-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2011 йил 14 март,
2011-9-сон

Б. ПАРПИЕВ

**Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2011 йил 14 март,
2-сон

Ж. ИСМАИЛОВ